

ДАСТУРЛАРНИНГ ИЖРОСИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Ўрганиш якунлари бўйича Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ томонидан аниқланган муаммолар соҳа мутахассислари ва экспертлари, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида қизгин муҳокамадан ўтказилди.

Аниқланган муаммо ва камчиликлар, хусусан, туризм объектларида дам олиш учун кулай шарт-шароит яратиш, инфратузилмани такомиллаштириш мақсадида ёритиш тизимларини ўрнатиш ҳамда сув таъминотини яхшилаш, шунингдек, санитария-гигиена шохобчаларини барпо этиш ва реконструкция қилиш юзасидан зарур таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда масъулларга тақдим этилди.

ФУҚАРОЛАР САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАСИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев яқинда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, бирламчи тиббий хизмат сифати, ихтисослаштирилган муассасалар фаолияти, дори воситаларининг самарали тақсимоти ҳамда тиббий таълимни такомиллаштиришга қаратилган устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Муносабат

Кенгайтирилган йиғилишда таъкидланганидек, сўнгги етти йилда соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган маблаглар ҳајми 6 баробар ошиб, 2025 йилнинг ўзида Давлат бюджетидан соҳага 2024 йилдагига нисбатан 6,8 трлн. сўм ёки 20 фоиз кўп маблағ йўналтирилиши белгиланган. Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат дастурларини молиялаштириш учун 2025 йилда 2,8 трлн. сўм, яъни 2024 йилдагидан 19 фоиз кўп маблағ ажратилган.

Тиббиётга йўналтирилган ушбу сармоялар тиббий инфратузилмани янгилаш, юқори технологияли хизматлари кенгайтириш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш учун мустаҳкам асос бўлди.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларни эрта аниқлаш ва даволашда бирламчи бўгин жуда муҳим. Шунинг учун бу йўналишдаги ислохотлар халқимиз, айниқса, олис ҳудудлардаги аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини чуқур ўрганган ҳолда босқичма-босқич амалга ошириб боришмоқда.

Шунинг баробарида маҳаллалардаги бирламчи бўгин билан ихтисослаштирилган хизматлар ўртасида боғлиқлиқни таъминловчи янги комплекс тизим жорий қилинади. Илгари фақат пойтахтда амалга оширилган 400 дан зиёд юқори технологияли тиббий амалиётлар эндиликда вилоят ва туман шифохоналарида ҳам муваффақиятли бажаришмоқда.

Бугун тиббиёт соҳасида талай муаммо ва камчиликлар тўпланиб қолгани, булар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётгани ҳам сир эмас. Хусусан, аҳоли ва беморларнинг оилавий шифокорларга эмас, балки шифохоналар ва хусусий клиникаларга тўғридан-тўғри муурожаат қилиши ва бунинг натижасида тез ёрдам хизматининг ортиқча юктамаларига дучор бўлаётгани бунга мисолдир. Қолаверса, айрим ҳудудлар поликлиникаларида маҳакали врачлар етишмаслиги ва борларининг ҳам юктамаларни эплай олмаётгани аини ҳақиқат.

Юртимизда ҳар ўн минг аҳолига 29 нафар шифокор тўғри келади. Бу АҚШ, Буюк Британия, Финляндиядаги билан бир хил, Туркия ва Канададагидан эса кўп. Лекин бизда иш самарадорлиги, даволаш сифати юқорида тилга олинган мамлакатлардагидек эмас.

Масалан, маҳаллада бирламчи бўгин тўғри ишламагани учун туманларда касалланиш ва уларнинг оғир асоратлари камайманпти. Юқумли бўлмаган касалликлар мамлакатимиз иқтисодиётига ҳар йили 1 млрд. доллар атрофида зарар келтиряпти. Бундай омиллар тизимни тубдан ўзгартириш, оилавий шифокорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш бўйича кескин қарорлар қабул қилишга туртки берди.

Муҳим янгилıklarдан яна бири — оилавий шифокорлар ва аҳоли ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайдиган икки томонлама шартнома жорий этилиши ҳамда ногиронлиқни белгиловчи коррупцион элементлардан холи янги тизимнинг жорий қилиниши бўлди.

Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда белгиланган чора-тадбирларни амалда жорий этиш учун “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури эълон қилинди. Соҳа мутахассдилари ва вилоят ҳокимларига мақсуд дастур асосида шифо масканларида кутиш жойлари ҳамда йўлакларни тартибга келтириш, тозалик ва маданиятни ошириш топириғи берилди. Таълим ва барча ижтимоий муассасаларда “Тоза қўллар” дастури татбиқ этилиб, санитар-гигиена шароити яхшиланиши айтилди.

Ишончимиз комилки, ушбу дастур халқ саломатлигини муҳофаза қилишда янги босқичга ўтиш учун имконият яратади.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари
қўмитаси раиси.

Ўзбекистон делегацияси Японияда ўтказилган «Women in Tech Global Summit 2025» халқаро саммитида қатнашди.

ЮРТ РАВНАҚИ — МАҲАЛЛАЛАР ТИНЧЛИГИДА

Юртимизда жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини кафолатлаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳамда фуқароларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида тизимли ишлар олиб боришмоқда. Бу жараёнда “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида маҳаллаларда ҳавфсизлиқни таъминлашга оид мутлақо янги ёндашув ва механизмлардан фойдаланишмоқда.

Президентимизнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида ҳавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жойларда ташкил этилган махсус штаблар фаолияти парламент ҳузуридаги ишчи гуруҳ томонидан ўрганишмоқда.

Хусусан, Олий Мажлис Сена-тининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш

қўмитаси раиси Абдулҳаким Эш-муратов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент шаҳрининг Серге-ли, Яққасарой, Миробод, Чилон-зор ва Юнусобод туманларида бўлиб, жиноятчилик ва ҳуқуқбу-зарликларнинг олдини олиш, кримноген вазиятни барқарор-лаштириш бўйича амалга ошири-лаётган ишлар билан танишди.

“Ижтимоий профилактика”, “Намунали ҳавфсиз йўлак” ва “Намунали ҳавфсиз кўча” лойи-ҳаларини амалга ошириш юза-сидан масъулларга аниқ кўрсат-

малар берилди. Айниқса, “қизил” тоифага кирувчи маҳаллалар билан манзилли ва тизимли ишлаш, “яшил” тоифадаги намунали ма-ҳаллалар тажрибасини омма-лаштириш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, маҳаллаларни тўлиқ видеокузатув тизими билан қамраб олиш, пробация ҳисобида турувчи ёки муқаддам судланган шахсларнинг ижти-моий муаммоларини ўз вақтида ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Олиб борилаётган ишлар на-тижасида маҳаллаларда ҳавфсиз-лиқни таъминлаш, жиноятларни камайириш ва фуқаролар ҳаёти-да барқарорлиқни таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбир-лар кучайтирилмоқда.

«Халқ сўзи».



Иқлим ўзгаришлари бугунги кунда асосий глобал таҳдидга айланиб, дунё ҳамжамиятини жиддий таъшишга солмоқда. Ўз вақтида бу борада чора-тадбир қўллнамаса, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиған оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида мутахассислар томонидан огоҳлантириляпти.

15 май — Халқаро иқлим куни

Сўнгги йилларда мамлакатимиз-да атроф-муҳитни муҳофаза этиш, аҳоли саломатлигини сақлаш, эко-логик ҳавфсизлиқни таъминлашга эътибор янада кучайди. Шу жумла-дан, иқлим ўзгаришларининг ол-дини олиш ва унга мослашиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш, оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишнинг ягона давлат сиёсатини шакллантириш, шунинг-дек, Париж битимини бўйича Ўзбе-кистон Республикаси томонидан қабул қилинган мажбуриятларни самарали амалга ошириш мақсади-да Президент ҳузурида Иқлим кен-гаши ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик пала-таси тузилмасида ҳам биринчи мар-та иқлим ўзгариши оқибатларини камайириш ва “яшил” иқтисодиёт-га ўтишни жадаллаштириш масала-лари бўйича комиссия тузилди. Бу эса иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларга парламент даража-сида ечим топишда муҳим роль ўйнайди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари томонидан иқлим таҳдидларига қарши курашиш мақсадида сайё-ҳаракатларни бирлаштириш, халқа-ро ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйи-ча қатор конструктив таклиф ва та-шаббуслар илгари суриб келинаёт-гани ҳамда улар ҳозирги кунда ам-алиётга самарали татбиқ этилаётга-нини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бинобарин, Президентимиз шу йил 7 апрель куни Парламент-лараро Иттифокнинг 150-ассамблея-сида сўзлаган нутқида ҳам даври-мизнинг ўткир муаммосига айлан-ган, сайёраимиз тараққиётига жид-дий тўсиқ бўлаётган иқлим ўзгариш-лари доимо диққатимиз марказида бўлиши кераклигини таъкидлаб, ушбу масалага дунё парламенти ва-килларининг эътиборини қаратгани

77 та ичимлик ва оқова сув иншоо-ти қуриш ҳамда реконструкция қилиш кўзда тутилди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ва “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида 200 млн. туп даракт ҳамда буталар экиш, “Соғли сайр кўчалари” тар-моғини яратиш, Орол денгизи туби-да 100 минг гектар яшил майдон барпо этиш ва Оролбўйи минтақа-сидаги ўрмонзорларни 2,1 млн. гек-тарга етказиш каби қатор вазифа-ларнинг амалга оширилиши нафа-қат Ўзбекистон, балки минтақа мам-лакатлари учун ҳам экологик ҳавф-сизлиқни таъминлайди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида сўнгги тўрт йилда 850 млн.дан ортиқ даракт ва бута кўчталари экилди. Бу эса шаҳарларимизга, маҳаллаларимизга янада фазй ба-ғишлани билан бирга юртимиз иқлимини мўътадил сақлаши ва аҳолиимиз саломатлигини мус-таҳкамлаши билан аҳамиятлидир.

Иқлим оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш борасида “яшил” энергетикани ривожлантиришининг ўрни кебисё. Эътироф этиш жоиз-ки, кейинги йилларда мамлаката-мизда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Бир-гина 2024 йилда “яшил” энергети-ка бўйича қиймати 7,2 млрд. дол-ларлик қуввати 4,4 ГВт бўлган 24 та лойиҳа, жумладан, 3,7 млрд. долларлик 18 та янги қувватни ишга тушириш ва навбатдаги 6 та лойиҳа қурилишга старт берилганини ало-ҳида айтиш лозим.

Глобал тусдаги экологик муам-моларни бартараф этишда сайё-ҳаракатларни бирлаштириш иқлим ўзгаришларига мослашиш имкони-ни беради ва айни чоғда мамлака-тимизда экологик барқарорлиқни таъминлашга, иқтисодиёт тармоқ-ларини ривожлантиришга ҳамда халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ҳайрулло ҒАҒФОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш
масалалари қўмитаси раиси.

АҲОЛИНИНГ ДАМ ОЛИШИ УЧУН ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, экологик вазиятни яхшилаш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослашиш, дарактзорлардан оқилна фойдаланиш, аҳолининг дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда ер участкаларидан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, дарактлар ва буталарнинг кесилишига мораторий эълон қилиниб, бутун мамлакат миқёсида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кенг қўлмлли ишлар бажарилмоқда. Шунингдек, янги маданий ҳордиқ чиқариш масканлари барпо этиляпти.

Янги қонун

Аммо шунга қарамай юртимиз-даги сайилгоҳлар, хибёонлар, истироҳат боғлари ҳудудларининг ва уларда экилган дарактларнинг му-ҳофазасини кучайтириш, бундай жойларда бинолар ҳамда иншоот-лар қурилишининг олдини олиш за-рурати юзага келмоқда.

Тахлилларга кўра ҳозирги кунга қадар республика бўйича 184 та истироҳат боғида дарактзорлар ҳудуд-лари камайирилиб, 944 та бино-иншоот қурилган, 18 та истироҳат боғида 91 ноқонуний қурилма мав-

жуд экани ҳамда 98 та истироҳат боғида 1248 та аттракцион ноқону-ний ўрнатилгани аниқланган. Қола-верса, истироҳат боғларининг ер-ларини маҳаллий ҳокимият захира-сига олиш ва кейинчалик хусусий-лаштириш ёки бегоналаштириш амалиёти кузатилган.

Шу боис “Адолат” социал-де-мократияк партиясининг 2025 — 2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида хамиятда ижтимоий адолат тамойилини қарор топтиришга қаратилган ижтимоий йўналишдаги ташаббуслари акс эттирилиб истироҳат боғлари, сайил-

гоҳлар ва уларнинг ҳудудлари-ни сотиш, хусусийлаштириш ёки бегоналаштиришни тақиқлаш, бун-дай ҳаракатлар учун жавобгарлик белгилаш таклиф қилинган.

2024 йил 18 ноябрь куни Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги тарихий нутқида партиялар сайлов кампанияси да-вомида илгари сурган ва халқимиз қўллаб-қувватлаган ҳар бир таклиф, албатта, кўриб чиқилиши ва амал-га оширилиши таъкидланган эди. Ушбу йиғилишда “Адолат” СДПнинг истироҳат боғлари, сайилгоҳ, хибёонларни хусусийлаштиришни та-қиқлаш бўйича позицияси давлат раҳбари томонидан эътироф этил-ганди.

Таъкидлаш жоизки, Германия, Ис-пания, Австралия, Япония, Жанубий Корея, Канада ва бошқа давлатлар-нинг хорижий тажрибасини ўрганиш натижасида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида сайилгоҳ, хибёон, боғлар ҳудуди ва уларда экилган

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

Бугунги кунда маҳал-ладан бошлаб ёшларни оммавий спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янгича тизим ва ёндашув асосида биргина ўтган йилда оммавий спортдаги аҳоли қамрови 10 мил-лионга етказилди.

Жорий йил якуни билан жами 378 та спорт майдончаси ногирон-лиги бўлган шахсларга мослашти-рилиб, асосан, умумтаълим мак-таблари ҳудудида барпо этилса, 2030 йилгача 5 мингта ана шун-дай спорт майдончаси қурилади.

“Ҳукумат соати”да депутатлар-га ихчам ва самарали бошқарув тизимига ўтиш борасида кўри-лаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳам маълумотлар берилди.

А. Икромовнинг қайд этишича, бу борада туман спорт бўлимлари мақбуллаштирилиб, спорт мактаб-лари — туман ва шаҳарларда оммавий ва профессионал спортни ривожлантириш ҳамда спорт сиё-сатини юритишга масъуллиги бел-гиланди. Уларнинг фаолияти жи-смоний тарбия ва спортни омма-лаштириш, спорт билан шуғулла-нувчиларни босқичма-босқич оши-риб боришга йўналтирилмоқда.

Ҳозирги вақтда 254 та спорт мактабида 460 минг нафар спорт-чи-ўқувчи 32 минг спорт гуруҳида машғулот олиб борапти. Ушбу му-ассасаларда эса 12,7 минг нафар тренер фаолият кўрсатмоқда. Эн-диликда бу борадаги ишларни куч-айтириш учун мавжуд штат бир-ликларни доирасида оммавий спорт бўйича тренер-селекционер лаво-зимни жорий этилади.

Депутатлар соҳада амалга оши-рилаётган ишларни эътироф қилиб, маҳаллаларда спорт ин-фратузилмасини ривожлантириш ва ёшларнинг спорт билан шуғул-ланиш имкониятини кенгайтириш борасида қандай ишлар олиб бо-рилаётгани билан қизиқди.

Вазир ўз жавобида сўнгги тўрт йилда 101 та йирик спорт объек-ти янгичдан қурилиб, 67 таси ре-конструкция қилинган, охириг уч йилда жойларда жами 1 369 та, шундан 474 та университет, 647 та стритбол-воркаут ва 248 та вор-каут спорт майдончалари барпо этилганини маълум қилди.

Спорт майдончаларининг 671 таси маҳаллада, 645 таси мак-табларда, 53 таси спорт-таълим муассасалари ҳудудида жойлаш-ган бўлса, уларнинг 600 таси энг олис ва чекка қишлоқ ҳудудлари-да қурилган.

Бундан ташқари, вазирлик то-монидан спорт соҳасини ракам-лаштириш бўйича ҳам муайян иш-лар амалга оширилмоқда. Жумла-дан, вазирлик ҳузурида Ракам-лаштириш ва сертифицирлаш мар-кази фаолияти йўлга қўйилиб, сўнгги уч йилда 24 та йўналишда-ги ахборот тизимларини ўзида бирлаштирган “ЕРП-Спорт” ягона электрон платформаси ишга туши-рилган.

Спорт таълими муассасалари-да эса “Facid” тизими ишга туши-рилиб, спорт гуруҳларининг сунъий шакллантирилиши, ўқувчи-ларнинг машғулотда иштироки ҳаққоний эмаслиги ҳолатларининг олдини олиш ва уларни текозор аниқлаш имконияти яратилди. Сўнгги бир йилда бу тизим орқали давомат кўрсаткичи ўртача 9 фоиздан 87 фоизга етди.

“Ҳукумат соати”да Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари аъзолари электорат манфаатларидан келиб чиқиб, ва-зир олдиға бир қатор саволларни қўйди. Хусусан, ЎзЛиДеП фрак-

цияси аъзоси Тўйчи Ёқубов кун тартибидаги масаланинг дол-зарблигини таъкидлаб, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хусусий секторнинг улушини янада кўта-риш, давлат-хусусий шериклиги-ни ривожлантириш борасида вазирлик қандай ишларни амалга ошираётгани билан қизиқди. Бу бўйича ақин ва узоқ даврга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилганини ёки ишлаб чиқиял-тимни деган саволни ўртага ташлади.

Вазир ушбу савол юзасидан ба-тафсил тушунтириш бериб, маз-кур йўналишда тенг имконият, мо-тивация ва рағбатлантириш каби механизмларни ташкил қилиш ор-қали хусусий секторни янада ри-вожлантириш мумкинлигини бил-дирди.

“Адолат” СДП фракцияси аъзоси Зейдбек Юнусов спортга ёшларни янада кенг жалб қилиш, уларнинг ушбу соҳага қизи-қшини ошириш бўйича қандай янги механизмлар борлиги билан қизиқди.

Вазир ўз жавобида ҳозирда 400 та мактабда спорт майдонча-лари қуриб берилгани ва 10 дан зиёд спорт турлари билан шуғул-ланиш бошланганини қайд этган ҳолда ёшларнинг спортга қизиқи-шини янада оширишга фақат рағ-батлантириш орқали эришиш мум-кинлигини таъкидлаб ўтди.

ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Мамаханова вазирлик томонидан аҳолининг ўрта ёш ҳамда ёши катта қисми учун ама-лий спорт тадбирлари қай тарзда ташкил этилаётгани, аҳолининг қўйи бўғини ўтказилаётган спорт тадбирларидан қай даражада ха-бардорлигини сўради.

А. Икромов депутатларга вазир-лиқнинг ушбу йўналишдаги режа-лари ҳақида маълумот бериб, аҳолини спортга кенг жалб қилиш-да маҳаллалар билан ҳамкорлик-да ишлар олиб борилаётгани, биргаликдаги сайё-ҳаракатларни янада кучайтириш орқали самара-ли натижаларга эришиш мумкин-лигини қайд этди.

Ўзбекистон Экологик партия-си фракцияси аъзоси Номба Иноятова эса вазирлик тизими-даги ҳудудий ҳазарма бошлиқ-ларини, спорт мактаблари дирек-торларини, жойларда бошқарув фаолиятини амалга оширувчи соҳа раҳбарларини лавозимга тайин-лаш ва оозд этиш тартибига қана-члик адолатли ва шаффофлиги, кадрларни жой-жойига қўйиш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича қандай тизим шаклланга-ни билан қизиқди.

Спорт вазирини бу борада олиб борилаётган ишлар юзасидан ат-рофчида тушунтириш бериб ўтди.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Сайдулло Азимов эса вазирлик бугунги кунда коррупциянинг ол-дини олиш, коррупциявий хатар-ларни бартараф этиш бўйича кан-дай аниқ чора-тадбирларни бел-гиллаб олганини сўради.

Вазир коррупцияга қарши ку-рашишнинг энг самарали йўли ра-камлаштириш эканлигини, ойлик иш ҳақларини ошириш ва ходим-ларни муносиб рағбатлантириш орқали ушбу масалага ечим то-пиш мумкинлигини қайд этди.

“Ҳукумат соати”да депутатлар томонидан соҳа истиқболига қара-тилган қатор тадбирлар берилиди ва кун тартибидаги масала юза-сидан самарали парламент назо-ратини таъминлашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

«ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ АСОСИ

Шу боис Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси асосида “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, ушбу йўналишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликдаги мувофиқлаштирилган сай-ҳаракатларини таъминлаш бу борада алоҳида дастур ишлаб чиқиш заруриятини юзга келтирди.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасида “яшил” ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоғида ресурсларни тежашни янада кенгайтириш мақсадида 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш дастури қабул қилинди.

Унда қатор стратегик мақсадларга эришиш кўзда тутилган. Жумладан, “иссиқхона газлари”нинг янги ички маҳсулот биригилга нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга қисқартириш, энергия самарадорлиги кўрсаткичини икки қарра ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш, уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўттиз фоизидан кўпроғига етказиш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини замонавий, арзон ва ишончли энергия билан таъминлаш режалаштирилган.

Вазиятни ўнглаш учун нима қилиш керак?

Энергетика тизими ҳар бир мамлакатнинг стратегик аҳамиятга эга соҳаларидан бири бўлиб, унинг барқарор ривожланиши иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Бугунги кунда ҳаётда электр энергияси истеъмоли тежамкорлигини ошириш, экологик тоза, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга катта эътибор қaratилмоқда. Энергия истеъмоли тобора ортиб бораётган шaroитда эксперт-

лар вазиятни ўнглаш учун ҳаётда иқтисодиётда “яшил тараққиёт” тамойилларини жорий этиш зарурлигини таъкидламоқда. Мазкур ёндашув БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларида ҳам ўз ифодасини толган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишни модернизациялаш, “яшил” технологияларни жорий этиш ва истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги саккиз йилда электр ишлаб чиқариш 38 фоиз ошиб, 81,5 млрд. киловатт-соатга етди. Хусусий секторга кенг йўл очилгани туфайли 11,2 гига-ваттли қўшимча қувват яратилди. Натижада бу секторнинг генерациядаги улуши 24 фоизга, “яшил” энергия ҳиссаси эса 16 фоизга етди. Шу даврда аҳоли даромади 1,6 баравар ўсгани, янги турдаги маъшиий техникалардан фойдаланилаётгани сабабли хонадонларда электр истеъмоли 21 млрд. киловатт-соатдан ошди. Бу 2016 йилги кўрсаткичдан 2 баравар кўп.

2030 йилга бориб, мамлакатимиз аҳолиси 41 миллионга етиши, иқтисодиётимиз эса 1,5 қарра ўсиши кўтилапти. Шунга муносоиб равишда, санаотда 45 млрд. долларлик қўшилган қиймат яратиш, хизматлар ҳажмини 3 баравар ошириш, йирик маъlumотлар марказларини ишга тушириш кўзда тутилган. Бунинг учун, аввало, барқарор электр таъминоти зарур. Ҳисоб-китобларга кўра 2030 йилда 117 млрд. киловатт-соат, 2035 йилда эса 135 млрд. киловатт-соат электр энергияси талаб этилади. Яъни бу ҳозиргидан 1,7 баравар кўпни ташкил этади.

Муҳим масалалардан яна бири — электр энергиясининг таннархини пайсатиши бўлиб, буни ҳал этишнинг самарали йўли муқобил манбаларни кўпайтиришдир. Хорижий экспертлар ҳам Ўзбекистон шaroитида “яшил” энергия имкониятлари кўпчилиги таъкидламоқда. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда 2030 йилга бориб жами генерацияда “яшил” энергия улушини 50 фоиздан ошириш кўзда тутилган. Жумладан, 3 мингта микроГЭСда 164 мегаватт, қуёш ва шамол қурилмалари ҳисобида 750 мегаватт қувватларни ишга тушириш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда ҳаётнинг 160 дан зиёд мамлакатларида қайта тикланувчи энергия тизимини ривожлантиришга қаратилган миллий стратегиялар қабул қилинган. Мазкур стратегияларда 2030 йилга қадар умумий энергетика тизимида қайта тикланувчи энергия салдоғини 50 фоизга етказиш белгиланган. Бугунги кунда у ҳаётда айланган бўлиб, тармоқда 7,7 млн. ишчи ва мутахассис фаолият юритмоқда.

“Мамлакатимизда сўнгги саккиз йилда электр ишлаб чиқариш 38 фоиз ошиб, 81,5 млрд. киловатт-соатга етди. Хусусий секторга кенг йўл очилгани туфайли 11,2 гига-ваттли қўшимча қувват яратилди.”

Муқобил манбаларни кўпайтириш — самарали йўл

“Яшил”, яъни қайта тикланувчи энергия манбалари глобал иқлим ўзгариши ва экологик муаммоларга қарши курашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қуёш, шамол, сув, шунингдек, геотермал ва биомасса каби қайта тикланувчи манбалар орқали ҳосил қилинадиган бундай энергия турлари табиий жараёнлар билан боғлиқдир. Умуман, “яшил” энергиянинг афзалликлари ифлослантирувчи чиқиндини камайтириш, табиий ресурсларни тежаш ва барқарор ривожланишга ҳисса қўиш каби омилларда намоён бўлади.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, Ўзбекистон углеводород энергияси — нефть, газ, кўмирдан фойдаланиш ҳисобида ҳар йили янги ички маҳсулотнинг камида 4,5 фоизини йўқотмоқда. Қолаверса, мамлакатдаги энергия ишлаб чиқарувчи қувватларнинг салкам ярми эскирган. Уларни тиклаш ёки модернизациялаш катта маблағни талаб қилади. Шу боис ҳамма мамлакатлари тажрибали асосан ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан самарали бўлган “яшил” энергияга ўтиш истиқболли йўл ҳисобланади.

“Яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясига мувофиқ яқин ўн йилда мамлакатда углеводород сарфини кескин камайтириш, иқтисодиётнинг барча тармоғида экологик тоза ва ресурстежамкор технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи, самарали энергия манбаларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Белгиланган устувор йўналишларга мос равишда сўнгги йилларда мамлакатимизда “яшил” энергетика тизимини ривожлантириш бўйича катта қувватлар ишга ту-

Ўзбекистоннинг салоҳияти анча юқори

Мамлакатда аҳоли сони ва даромадларининг кўпайиш тенденцияси шaroитида, табиий равишда, энергетика ресурсларига бўлган талаб ҳам ортади. Шу жиҳатдан, “яшил” иқтисодиётнинг муҳим компоненти қайта тикландиган энергия манбаларини яратиш ва фойдаланиш ҳисобланади. Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг салоҳияти анча юқоридир.

Халқаро молия институтларининг ҳисоб-китобига қараганда, республикада муқобил энергия (айниқас, қуёш энергияси)нинг йиллик захираси 270 млн. тонна шартли ёқилғи эквивалентига тенг. Бу реал эквiтeжiмиздан уч қарра кўпни ташкил этади. Бу каби шaroитда “яшил” энергетика соҳасидаги лойиҳаларни кенг кўлабда амалга ошириш Ўзбекистонда яқин ўн йилда қайта тикландиган энергия манбалари улушини 3 баробардан зиёдга кўпайтиришга ва натижада иқтисодий барқарорлиқни янада оширишга имкон яратяди.

Умуман, “яшил” иқтисодиёт бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган жараёнлар ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам “яшил” технологияларга ўтишни жадаллаштириш ва ресурстежамкор технологияларни кенг жорий этиш орқали “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ислохотлар мамлакатнинг энергетик мустақиллиги ва экологик барқарорлигини таъминлаш ҳамда замонавий энергетика инфратузилмасини шакллантириш ва шу асосда иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш йўлидаги бундай ижобий тенденциялар мамлакатимизда “яшил” технологияларга асосланган инновациялар тараққиётни таъминлаш орқали иқтисодий ўсиш суръатларини барқарорлаштириш, пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда долзарб аҳамият касб этади.

Шаҳноза ҚОРИЕВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университетининг
Меҳнат иқтисодиёти кафедраси
катта ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН — ЭНГ ЖОЗИБАЛИ САЙЁҲЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ

“Fun walk” форматида бўлиб ўтган тарғибот тадбирида Ўзбекистон куруқ мевалари тақдими ҳам ўтказилди. Махсус ташкил этилган павильонда юртимиздан келтирилган баргак, майиз, бодом, ёнғоқ ва бошқа турдаги неъматлар иштирокчиларга улашилди.

Анжуманда ҳозир бўлган индонезиялик меҳмонлар дўстлик маршида иштирок этди.



Дананг Гирин ДРАВАРДАНА,
Индонезия тўқимачилик уюшмаси ижрочи директори:
— “Fun walk” тадбирига оила аъзоларим билан келдик. Анжуман давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яқин муносабатлар рамзи сифатида иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон ҳақида кўп эшитганман, лекин бугун ташкил этилган тақдимот орқали Марказий Осиёдаги бу муқаддас заминнинг қанчалик бой тарих ва маданиятга эга эканини яна бир бор англадим. Ўзбекистон индонезияликлар орасида энг жозибали туризм йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Хусусан, ушбу заминда воёга етган улуг донишмандлар, мутафаккир ва уламолар ислом дини тараққиётга ва илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшган. Мен Имом Бухорий юртига, албатта, сафар қиламан.

Адита Адха ШАҲПУТРА,
сайёҳатчи-блогер:

— Индонезиялик сайёҳлар учун Ўзбекистон жуда қизиқарли йўналиш. Бу юрт дунё цивилизацияси ўчоқларидан бири сифатида эътироф этилади. Индонезиядан ҳар йили минглаб туристлар зиёрат мақсадида ушбу диёрга йўл олмақда. Туризм йўналишида Ўзбекистоннинг афзалликлари талайгина.

Юртингизнинг қадимий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро ва Хива ҳамда тарихий обидалари ҳақида янада кўпроқ маълумот олишни истайман. Мовароуннахр уламолари Индонезия оролларида ислом динини тарқатишда алоҳида ўрин тутган. Шу боис қўшма илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш ниҳоятда муҳим деб ўйлайман.



«Дунё» АА.
Жақарта

ТОКИОДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВАКИЛЛИК ОФИСИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Рақамли технологиялар вазирлиги делегациясининг Японияга ташрифи доирасида бир қатор IT компаниялар билан ҳамкорлик келишувларига эришилди.

Ҳамкорлик

Жумладан, ташриф давомида Токио марказида IT Park Ўзбекистоннинг вакиллик офиси очилди.

Вазирлик хабарига кўра Ўзбекистон — Япония ўртасида IT соҳасидаги ҳамкорлиқни мустақамлаш ва янада кенгайтириш мақсадида ташкил этилган ушбу офис очилишига бағишланган тадбирда айтилдики, вакиллик

офисини очилган асосий мақсад — Япония компаниялари билан IT аутсорсинг, инвестиция ва таълим соҳаларида ҳамкорлиқни ривожлантириш, IT Parkнинг имкониятлари ҳақида тўғридан-тўғри маълумот бериш ҳамда Япония бозоридagi бизнес ҳамкорлар учун ишончли алоқа нуқтасини яратишдан иборат.

Тадбир доирасида IT Parkнинг Япония бозоридagi режалари, IT хизматлари, солиқ имтиёзла-

ри ва кадрлар тайёрлаш дастурлари ҳақида тақдимот ўтказилди. Шунингдек, IT Park ҳамда “Digital Knowledge” компанияси ўртасида вакиллик офисининг фаолиятини биргаликда йўлга қўйиш, Япония компаниялари билан боғланиш ва уларни Ўзбекистоннинг IT бозори-га жалб қилиш борасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Мутахассислар фикрича, IT Parkнинг Токио шаҳридаги вакиллик офиси Япония компаниялари учун ишончли алоқа нуқтаси, резидент компаниялар учун эса янги ҳамкорлик эшиги вазифасини бажаради.

«Халқ сўзи».

Каримжон Ашуров асл деҳқон. Қувада бу оилани ер илми миришқори сифатида билишади. Каримжон ака узок йиллар бўш ётган қир-адирларда интенсив боғ барпо этишга киришганида кўпчилик бунинг истиқболига ишонмаганди. Аммо у ортга чекинмай, астойдил меҳнат қилиш орқали эзгу ташаббусини амалга оширди. Бугун Туркия тажрибаси асосида бунёд этилган 90 гектарлик интенсив ўрик боғи тўлиқ мевага кирган. Замонавий илм-фан ютуқлари, инновация ғоялари асосида етиштирилаётган ўрик мевалари хорижда ҳам харидордир.

Имконият

Кейинги йилларда Фарғона боғларида шарбатга тўлиб пишадиган Риштоннинг қантак ўриги, Қува Риштон, Олтиарик узуми, Қўқон ва Қувасойнинг қашқар гилослари экспортни салмоғи тобора ошиб бормоқда. Айни пайтда вилоятда 49 минг гектардан ортиқ боғлар мавжуд. Жорий йилда 5 минг гектар кам ҳосилли боғлар ўрнида интенсив боғлар ташкил этиш мақсад қилинган. Бу борада фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, ихтисослаштирилган илмий марказлар олимларининг фаол ҳамкорлиги самараси ҳам йилдан-йилга яхшиланмоқда.

— Ҳозирги кунда маҳаллий ҳамда хориждан келтирилган ўрикнинг 9 та, шафтолининг 13 та, узумнинг 5 та нави бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда, — дейди Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва

виночилик илмий-тадқиқот институтининг Фарғона илмий тажриба станцияси директор ўринбосари Адхамжон Махмудов. — Бундан қўзланган мақсад — вилоятимиздаги боғларда турли навларнинг экологик синовини ўтказиш орқали серхосил, меваси юқори сифат кўрсаткичларига эга, экспортбop, касалликларга чидамли янги навларни яратиш ҳамда уларни парвартишларнинг агротехнологик асосларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Мазкур илмий марказда сўнгги йилларда ўрикнинг “Боборажаби”, “Чимён Эргашқантак”, шафтолининг “Муяссар”, беҳининг “Мушк-беҳи”, “Олмабеҳи” навлари яратилиб, ушбу навлар давлат реестрига киритилди. Ҳозирги кунда олма, беҳи ва шафтоли навлари ҳосили мева экспортда салмоқли ўринга эга. Марказ олимлари томонидан унумдорлиги паст тош-шағалли ерларда олма, узумнинг серхосил навларини кўпайтириш ҳамда яхши



даромад олиш бўйича олиб борилаётган сай-ҳаракатлар ҳам эътиборга молик. Назарий билимлар ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида жорий йилда экиш учун станцияда сифат сертификатига эга 45 минг туп узум, 4 минг туп олма, 3 минг туп ўрик, 2 минг туп шафтоли кўчатлари етиштирилди.

Риштон туманидаги 2,5 минг гектар ўрикзорнинг 1,1 минг гектари қантак ўрик боғларидир. Бугунги кунда туманда 20 га яқин экспортёр корхоналар фаолият кўрсатади. Улар томонидан МДХ, Осиё, Европа давлатларида маҳаллий боғлар маҳсулотни экспорт қилинмоқда. Олтиариқда узум

ЖАРАЁН

ФАРОВОН ҲАЁТ КАЛИТИ

Андижон вилоятида 2017 йилда аҳолининг сув билан таъминланганлик даражаси 78,1 фоиздан иборат эди. Сўнгги йилларда ҳудудлар инфратузилмасини шакллантириш орқали аҳоли турмуш шaroитини яхшилашга бўлган эътибор ортди. Натижада ўтган йили вилоятда 104 млрд. сўм маблағ ҳисобига 209 км. ичимлик суви тармоғи, 12 донa сув иншооти, 36 та сув қудуғини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Натижада 33 минг нафар аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланиб, 64 минг аҳолига хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди.

Ободлик

— Маҳалламиз Андижоннинг энг олис ҳудуди ҳисобланади, — дейди Қўронтeпa туманидаги “Қизил тўқай” МФЙ фаоли Фаридахон Ўринбоева. — Ярим аср мобайнида бир қанча муаммолар йиғилиб қолганди. Жумладан, ичимлик суви таъминоти издан чиққанлиги боис ариқдан сув тaшиб кeлишгa тўғри кeлгaн. 2023 йили маҳалламизда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ишонасизми, атиги 1,5 ойда ҳудудимиз тубдан ўзгариб кeтди.



11 км. масофага сув қувури тортилиб, 2 та сув қудуғи ишга туширилди. Хар бир хонадонга сув жўмрақлари олиб кирилди. Тасаввур қилинг, ёзинг жазирама, қишнинг қаҳратонида узокдан сув тaшиб кeлиш қaёқдa-у, ўзинг яшаб турган хонадоннинг ичидаги жўмракдан сув ичиш қaёқдa!

Орта қолётган йиллар давомида Андижон вилояти катта бунёдкорлик майдонига айланди. Натижада кейинги 8 йилда 5638 км. сув тармоғи, 1155 та сув қудуғи, 70 донa сув иншооти қурилди. 738 та МФЙда 996 минг нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди. 828 минг нафар аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланди. Ҳудуднинг сув билан таъминланганлик даражаси 91,9 фоизга етди. Бу пойтахт Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринлигини ҳисобга олсак, амалга оширилган ишлар кўлами янада аққолроқ намоён бўлади.

— Шу кунларда сув ҳисоблаш ускуналарини ўрнатишга эътибор қаратилган, — дейди “Андижон сув таъминоти” АЖ ходими Абдувоҳид Хотамов. — Бунинг бир қанча афзалликлари бор. Биринчидан, исрофгарчиликнинг олди олинса, иккинчидан, таъминот ҳажми ортади. Учунчидан, истеъмоли тўловдан иқтисод қилади. Бу борада дастлаб Пахтабод туманида синов ишларини амалга оширдик. Шунда маълум бўлдики, тўрт кишидан иборат битта оила анъанавий усулда 1 ойда 61488 сўм мқдоридa тўловни амалга ошириб кeлгaн бўлса, сув ҳисоблагч ўрнатилганидан сўнг бу кўрсаткич

дамов. — Яқин кунларгача ёзда ариқдан, қишда Қорадарё каналидан сув тaшиб ичдик. Бунга шу даражада кўникиб кeтгaндикки, 2024 йили маҳалламизга ичимлик суви қувури тортилармиш дейишганида ишонмагандик. Қаранг, қилса бўлар экан-ку! Барака топсин, ҳар бир хонадонга сув жўмрақлари ўрнатиб бeришди.

Аҳмадали ота каби ҳамюртларимиз қувончига сабаб бўлиш учун ўтган йили Олтинқўл туманининг ўзидa 5700 метр масофага сув тармоғи тортилиб, 2 та сув қудуғи ишга туширилди. Бунинг натижа-сида 400 нафар ҳамюртимиз илк бор ичимлик суви билан таъминланди.

— Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, сифатли хизмат кўрсатиш мақсадидаги лойиҳалар жорий йилда ҳам кенг қўлоч ёйган, — дейди “Андижон сув таъминоти” АЖ бош муҳандиси Ҳумоюн Аллимов. — Бу йил давлат дастурлари доирасида 59,7 млрд. сўм маблағ ҳисобига 12 та обектда 24,4 км. ичимлик суви тармоғи, 7 та сув қудуғи ва сув иншооти қурилиб, реконструкция қилинади. Бундан ташқари, сув ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш, таъмирталаб қувурларда носозликни бартараф этиш ишлари ҳам ўз вақтида қилинмоқда.

Дарҳақиқат, Андижонда сўнгги етти-саккиз йил мобайнида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Бундан истеъмолчилар жуда миннатдор.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

ФАРҒОНАНИНГ САРХИЛ МЕВАЛАРИ ХОРИЖДА ҲАМ ХАРИДОРГИР

экспорти салоҳиятини янада ошириш мақсадида ҳаётда бозорининг энг харидордир узум навлари олиб келиниб, маҳаллий иқлим шaroитига мослаштирилмоқда. Ўтган йили Фарғона вилоятида қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат интенсити ривожлантириш мақсадида умумий қиймати 2,1 трлн. сўмлик 462 та лойиҳа амалга

оширилди. Шунингдек, 60,3 млн. доллар мқдоридa халқаро молия институтлари кредитлари ҳамда хорижий инвестиция маблағлари ўзлаштирилди. Тармоқда 11 200 та иш ўрни яратилди.

— Фарғона туманининг “Дўстлик” МФЙ ҳудудида туркиялик инвесторлар томонидан 70 гектар тоғолди қир-адирликларда янги санаотлашган интенсив боғлар барпо қилинган бўлса, жорий йилда яна қўшимча 200 гектар майдонда боғлар ташкил этиш мақсад қилинган, — дейди Агрисаноатни ривожлантириш агентлиги Фарғона вилояти бўлими бошлиғи Шермуҳаммад Нўмонжонов. — “Fergana Agro Cluster and

Logistics” МЧЖ ҚҚ томонидан амалга оширилаётган лойиҳа қиймати 2,5 млн. доллар бўлиб, замонавий интенсив боғда ўрик, гилос, шафтоли ва олхўри каби экспортбop мевалар етиштирилади.

Вилоятнинг Сўх тумани табиати ҳам ортиқча таърифга муҳтож эмас. Пуर्वикор тоғлар этагидagi қўхна боғлар, хусусан, Мирзо Бoбурдан мерос мевазорлар туман ақли азалдан боғдорчилик ҳадисини олганидан далолат бeради. Кейинги йилларда Сўх туманининг “Жавпая” массивида жойлашган тоғолди қир адирликларда 210 гектар ерда интенсив ўрик боғи ташкил этилиб, 0,5 гектардан ишиз оилаларга бўлиб бeрилади. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан адирликка сув чиқарилиб, уни тежовчи технологиялар ўрнатилди. Бугунги кунда мазкур боғлар мевага кириб, боғбонлар меҳнати роҳатини кўрмоқда. Айни пайтда Қува, Олтиарик, Қўштепа туманлари, қўйингки, вилоятнинг барча шаҳар-туманларида интен-сив боғлар барпо этилиб, ширин-шакар меваларимиз ўнлаб давлатларга экспорт қилинмоқда.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Бугун — Халқаро оила куни

Оила — мунис фазилатлар бешиги, жамият гултожи. Бу гўшанинг биз учун қадрли бўлган яна бир жиҳати шундаки, унда миллат давомчилари камол топади. Шунинг учун ҳам, айниқса, Шарқ халқларида оила бўлиб умр кечириш, бу масканда тотувликни, бирдамликни таъминлаш, уни мустаҳкамлаш қадрият даражасига кўтарилган ва бу борада юртимизда қатор ислохотлар, чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ЖАМИЯТ ГУЛТОЖИ ВА МУНИС ФАЗИЛАТЛАР БЕШИГИ



Жумладан, Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳар йили ҳарбий оилалар ўртасида ўтказиб келинаётган “Ибратли ҳарбий оила” кўрик-танлово ҳам шундай эзгу амаллар сира-сидандир.

Вазирлиқнинг Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаментидан маълум қилишларича, бу йил танловнинг якуний босқичига Шарқий ҳарбий округи мезбонлик қилди.

“Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласиман” шиори остида ташкил-лаштирилган ушбу танловда ҳарбий округ ҳамда қўмондонликлардан келган талабалар, деярли барча қатнашчи турли санъат турларини қўллаган ҳолда ҳар томонлама соғлом, ибратли оила жиҳатларини кўрсатиб берди. Бунда оила аъзолари эришган ютуқлар намоёниши ҳам эътирофга сазовор, албатта.

Танлов шартларидан ўрин олган дарс ҳамда “Куч — бирликда” шарт ҳақиқий маънодаги соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиши, катта кичикда спортга бўлган қизиқишни ошириши билан эътиборни тортди. Янада аҳамиятлиси, “Куч — бирликда” шарт доирасида амалга оширилган мусобақалар ота-оналар ҳамда фарзандлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни, меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан кўпчиликка манзур бўлди.

“Шеърятга ошно кўнгилдан ёмонлик чикмайди”, дейишади. Зотан, шеър инсонга неқбин ва самимий туйғулар бағишлайди. Юрак ҳамда ақл бирлигини намоён қилиб, қалб гуворларини арилатади. Айниқса, оила аёлларнинг шеърини севиши, уни ўзига ҳамроҳ деб билиши уларнинг миллат тарбиячиси сифатидаги маънавий кучини оширади. Уларда

энг сара сифатларни шакллантиришга сабаб бўлади.

Кўрик-танловдаги “Шеърят гулшани” шарт ҳарбий оила бекаларидаги ана шундай гўзал сифат ҳамда фазилатларни юзага чиқариш билан бирга, ҳарбийлар аёллари ҳар томонлама ибратта, ҳурмат ва эҳтиромга сазовор эканлигининг намоёниши бўлди.

“Муסיқий композиция” шарт ҳақида ҳам шундай илқ фикрларни айтиш мумкин. Бунинг ўзига хослиги — оилалардаги истеъдод эгаларини кашф қилиши. Миллий лапарларни, замонавий қўшиқларни маромига етказиб ихро этган иштирокчиларнинг маҳорати томошабинлар томонидан ҳам эътироф қилинди.

Ош чемпионати эса ўзбек миллиятининг меҳмондўстлиги ва миллий қадриятимизни намоёниш этгани билан аҳамиятли бўлди. Оқиб осмон остида етти вилоят вакиллари томонидан етти қозонда дамланган миллий таомнинг ҳар бири ўзига хослиги билан ажралиб, ҳакамлар ҳайъатини ҳам ҳайратларга ошно қилган рост. Мўҳими, бу шарт орқали танловда иштирок этаётган ҳарбий оила аъзолари пастандалик маҳоратини кўрсата олишди.

Мурасосиз кечган беллашувларда ота-оналари билан тенгма-тенг фаоллик кўрсатган болажонлар иштирокни ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Зеро, зукко, спортсевар ва билимли бу ўғил-қизлар тимсолида биз ёруқ келажагимизни тасаввур қиламиз.

Танловнинг якуний натижаларига кўра 1-ўрин кичик сержант Ҳасан Икромов оиласи, 2-ўрин кичик сержант Нодирбек Қурбонов оиласи, 3-ўрин эса III даражали сержант Сардор Қўйсинов оиласига насиб этди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам совриндорлар аниқланиб, улар ҳам Мудофаа вазирлиги ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

TANLOV ASOSIDA O'QISHGA QABUL

O'zbekiston Badiiy akademiyasi tasarrufidagi Respublika ixtisoslashtirilgan san'at maktabi-internati 2025/2026-o'quv yiliga 2018-yilda tug'ilgan iqtidorli o'g'il va qizlarni tasviri san'at va musiqa yo'nalishlari bo'yicha 1-sinfga rus va o'zbek tillarida o'qish hamda 5-sinfga o'zbek tilida o'qish uchun tanlov asosida o'qishga qabul qiladi.

Hujjatlar 2025-yil 2-iyundan 30-iyungacha qadard quyidagi manzilda qabul qilinadi: 100152, Toshkent shahri, Uchtepa tumani, 22-daha, 1-"A" uy, RISMI.

Qabul imtihonlari 2025-yil 1-iyuldan boshlanadi. Telefonlar: 71-274-92-21, 71-274-96-45.

ЗИЁЛИЛАР ФОРУМИ

Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида МДХга аъзо мамлакатларнинг Ижодкор ва илмий зиёлилари форуми ўтказилмоқда.

Маданият

Мазкур форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси маданият вазири ўринбосари Муроджон Махидов сўзга чиқиб, мазкур



форум дўст Тожикистон заминда юқори савидада ташкиллаштирилганини эътироф қиларкан, Ўзбекистон ҳамда МДХга аъзо мамлакатлар

ўртасида маданият ва санъат соҳасидаги МДХ Гуманитар ҳамкорлик давлатлараро фонди (ГХДФ) билан алоқалар турли жабҳаларда давом этиб келаётганини таъкидлади. Мухими, мазкур нуфузли анжуман ҳам ўзаро таъриба алмашиш, янги гоялар татбиқи майдони бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Маданият вазирлиги ахборот хизмати хабарига кўра маросим якунида ГХДФнинг халқаро мукофотлари ўз эгаларига топширилди. Мамлакатимиздан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Р. Сағдуллаев “Ҳамдўстлик юлдузлари” халқаро мукофоти сазовор бўлди.

«Халқ сўзи».

O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Toshkent "Temurbeklar maktabi" harbiy-akademik litseyi o'qituvchilar lavozimlariga

TANLOV E'OLON QILADI

1. O'qituvchi (rus tili va adabiyoti fani) — 1 o'rin.
 2. O'qituvchi (huquq fani) — 1 o'rin.
- Toshkent "Temurbeklar maktabi"ning o'qituvchi lavozimiga o'tkaziladigan tanlovda oliy ma'lumotli va kamida 5 yil uzluksiz pedagogik stajga ega bo'lgan shaxslar ishtirok etadi. Ilmiy unvon va ilmiy darajasi bor nomzodlarga ustuvorlik beriladi.

Tanlovda qatnashish uchun nomzodlar tomonidan quyidagi hujjatlar taqdim etiladi:

1. "Temurbeklar maktabi" direktori nomiga ariza;
2. Pasport nusxasi (hujjatlarni topshirish vaqtida pasportning asl nusxasi ko'rsatiladi);
3. Oliy ma'lumoti to'g'risidagi diplom;
4. Mehnat daftarahasining nusxasi;
5. Malaka oshirganlik bo'yicha sertifikat;
6. 3,5 x 4,5 sm o'lchamdagi 4 ta rangli fotosurat.

Tanlovda qatnashish uchun nomzodlardan hujjatlarni qabul qilish ishlari mazkur e'lon berilgan sanadan boshlab 20 kun davom etadi.

O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Toshkent "Temurbeklar maktabi" harbiy-akademik litseyi manzili: Toshkent shahri, Mirobod tumani, Yangizamon ko'chasi, 10-"A" uy.

Murojaat uchun telefonlar: 71-291-48-26, 97-443-90-81.

ЎЗБЕКНИНГ ЎЗ ҚИЗИ

Чунончи, 1983 йилда ижодкорнинг “Садоқат” китобини нашрга тайёрлаш бобидаги ҳаракатларимиз ҳозиргидек эсимда.

Ҳалима ўз китобларининг муқова ва безакларига катта эътибор берарди. “Садоқат” китоби муқовасининг хомаки нухасини ўзи олиб келди ва ийманибгина китоб бўлимларидаги зарваракларга шеърлардан ўз дастхати билан ёзилган тўрт қатор, саккиз қатор жойлаштиришни тақлиф этди. Бу чироили тақлиф эди. Безаклар ўқувчи диққатини тортиш билан бирга китобни бойитар ҳам эди. “Садоқат” ана шундай нашр қилинди. Шоиранинг барча китоби шу йўсинда босиб чиқарилган, десак, муболага бўлмас.

Юқорида айтганимдай, Ҳалиманинг кўп китобларини ўқиган бўлсам ҳам, қизик ҳодиса юз бердики, мен худди шоирамизнинг шеърларини янгидан ўқигандай бўлдим. Бунинг сабаби, албатта, шоиранинг кучли салоҳиятида, шеърятининг оҳорли эканида.

Ҳалима шеърятинида фикр, қандай бўлса ҳам, широна фикрни ифода қила олиш ва уни ўқувчига етказиш вазифаси биринчи ўринда туради. Кейин ҳаёт хос хусусият, бу — жўшқинлик. Ҳаёт шовқинларида нафас олиш, шуни ҳис этиш, ҳаёт сасларини ўз шеърларига олиб киришга тиришади ва эришади. Шоиранинг шеърлари бамисли тошқин сойга ўхшаган, тўлиб-тўлиб оқади, ҳатто жўшқинлиги боис қирғоқдан тошиб ҳам кетади.

Боёвут, Мирзачўл чўлларида туғилиб вояга етган, чўл қўёшида қорайиб-чиникқан, қир шамоллари сочларини силаган... Ҳалиманинг шеърларида чўл

қўёши ҳам, қир шамоллари ҳам, чўл манзараси ҳам — бари-бари ўз аксини топган:

Қалба экинг.

Қадим турк чинорлари тиклансин, Қон-қардошининг чин дўсту чин ёрлари тиклансин.

Ҳар юракда бир Турон минорлари тиклансин.

Фикр зўр! Уни қўллаб-қувватлаш учун шоира шеър охирини шоирга айлантириб юборади:

Улуғ мамлакатни кўтаринг!

Шоиранинг лирик қаҳрамони ёлғиз эмас. Унинг ёнида ҳаммаша садоқатли дўсти бор — ўқувчи! У ўқувчи билан сирлашади, кўнглини очади, дардларини айтади, дил яраларига малҳам топади. Шу сабабдан шоиранинг кўп шеърлари, ўша дўстга мурожаат, хитоб, илтижо билан бошланади. Бу — ўқувчи билан сирлашининг қулай йўли.

Ижодкор сокин шеърлар ёзишни унчалар ёқтирмайди, бўяб-бежамайди, соддаликни яхши кўради. Унинг шеърларида ҳаёт шовқинлари эшитилиб туради. Халқ оҳангларига яқин бўлганидан шеърлари дарров семими қўшиқларга айланиб кетади. У қўшиқлар гоёт дилга яқин, ёқимли. Унинг ижодида шеърлар худди ҳаётнинг парчаларидай, бир-бирини тўлдириб келади.

Ҳалиманинг “Шунчаки...” деб номланган дастурий характерга эга шеъри бор. Унда ижодкоргина эмас, балки умуман Инсон учун инсонийлик

меъёрлари белгилаб берилган. Жуда ажойиб шеър. Шеърини сатрларга эътибор беринг:

...Шунчаки севишмоқ — бахти қорали, Тўла толе учун бу кемтик, бу кам. Менинг қалбим шундай севгиса молик, Бир чирсиллаб ёнай, сўнгра сўнсам ҳам.

...Шунчаки йўлаш ҳам ярашмас бизга, Уни элар фақат юрзи тошлар. Шундай йўлай, ҳожат қолмасин сўзга, Қурғоқ кўзлардан ҳам қўйилсин ёшлар!

...Шунчаки ёзмоқ-чи, кўнгли тўлмайди, Шунчаки ёзмоққа бормайди қўлим. Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди, Шунчаки ёзмоқ, бу — шоирга ўлим...

Бу шеърда ҳаёт фалсафаси мужассам. Инсон (шоир ҳам!) шунчаки яшаши керак эмас, унда чин севи-муҳаббат бўлмоғи керак. Йўғлаганда шундай йўғласинки, уни қўриб, кўз ёшлари қўриб битган кўзлардан ҳам ёшлар қўйилсин! Ижодкорнинг шунчаки ёзишга қўли бормасин, бунга асло тоқат қилиб бўлмайди, чунки шунчаки ёзиш, бу ўлим билан баробардир, деган хулоса чиқаради шоира...

Ҳалиманинг ижоди қаҳида ўйлаганимда, муҳтарама шоираларимиз Зулфия, Саида Зуннунова, Ойдин, Энахонлар шеърятини, улар билан изма-из, адабиётимиз боғига кўрку чирой бағишлаб келишаётган ижодкорлар Гулчехра, Шарифа, Фарида, Мунаввара, Зухра Бегим, Хуршида, Гавхар, Қўтлик бекаларнинг гуркураб ижод қилаётганлари ҳаёлимдан ўтиб, жуда қувонаман.



Чироқчи туманининг Тарағай қишлоғи Ҳисор тоғ тизмалари бағрида, денгиз сатҳидан 1,5 минг метр баландликда жойлашган. Тўрт томондан баланд тоғ қоялари билан ўралган бу гўшанинг сўлим табиати кишини ўзига мафтун этади. Қишлоқнинг “Тарағай” дея аталиши бежиз эмас. Ривоятларга кўра Амир Темурнинг падари бузруквори Тарағай Баҳодир айнан шу жойда туғилган. Соҳибқироннинг болалиги ҳам шу ерларда кечган. Қишлоқда Амир Темур ва темурийлар ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ манзиллар кўп. Улардан энг асосийси — Тарағай тоғларидаги “Дунётепа”, “Фармонтош” ёдгорликлари ҳамда Амир Темур қори. Қишлоқдан тоғ чўққисига қараб Амир Темур қори сари бораркансиз, дастлаб “Дунётепа”га дуч келасиз.

Туризм

— “Дунётепа” Амир Темур давлатида муҳим ҳарбий-стратегик манзил бўлган, — дейди қишлоқ фаолларидан бири Махмуд Нурматов. — Аскарлар бу ердан ён-атрофини кузатиб турган. Чунки ушбу тепалиқдан атрофдаги манзиллар қафддек кўриниб туради.

Тепалиқдан узокларга назар ташладики. Анча наридаги сойлик узра чўзилиб ётган “Қалқама” сув омборидан тортиб ўн беш — йигирма қақирим узокликдаги қишлоқлар ҳам аниқ кўриниб турибди. Буни қўриб буюк бобокалонимизнинг бу жойни бекорга талламаганлиги, топқирлиги, ҳарбий маҳоратига тан бердик.

Шу ерда “Амир Темур ва икки олим” ҳайкали ҳам бор. Бу ёдгорлик 1996 йилда маҳаллий аҳоли ёрдамида пастиликдаги сойдан тупроқ, шағал олиб чиқиб ясалган. “Дунётепа”дан сал баландроқда аҳоли “Фармонтош” деб атайдиган яна бир ёдгорлик бор. Амир Темур болалигида тенгдошлари билан шу ерда ўйнаб, катта ҳарсанг тошнинг устига чиқиб қолганларга фармон беришни яхши кўраркан. Бу тарихий манбаларда ҳам мавжуд. Чунки кейинчалик ушбу тошни француз сайёҳлари хари-та орқали қидириб топиб, қишлоқ ахлига кўрсатган. Шундан буён ушбу тош “Фармонтош” деб аталади.

Биз “Фармонтош”дан ҳам ўтиб, гор сари одимлаймиз. Йўлнинг қолган қисмида шу қишлоқлик Жавоҳир исмли йигит бизга ҳамроҳлик қилди. Қанча қоятошларга тирмашиб, туби кўринмайдиган жарликлар ёқалаб, илонизи сўқмоқлардан ўтиб горга етиб келдик. Баланд қоя устидаги горни билдирадиган ёдгорликка кўзимиз тушибди, ўзимизни ерга ташладики. Бироз дам олгач гор озги жойлашган тепаликка тирмашиб чиқдик. Аммо бу ҳали горнинг ўзи эмас экан.

— Бу горнинг айвони, — дейди Жавоҳир. — Горга бориш учун шу ердан қоянинг нариги томонига ўтишимиз керак. Кейин яна бироз пастга тушилади.

Кичик гор — тахминан 10 — 15 метр узунликдаги тўйук орқали қоянинг нариги томонига ўтиб олдик. Яна уч-тўрт метр баландликдан пастга тушишимизга тўғри келди. Чунки горнинг озгига бориш учун баланд қоянинг қирраларига осилиб пастга тушиш керак. Салгина қалғиш ҳаракат сабаб тубеиз жарлик томон қулаш ҳеч гап эмас. Фонларини ёқиб кичик тўйукдан ичкарига кирдик. Гор озги жуда тор, ундан ўтиб олгач уч-тўрт метрга эмаклаб юрдик. Кейин гор ичи бирдан кенгай бошлади. Чамаси, 40 — 50 метрлар юрганимиздан сўнг пастга

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буяорта Г — 542. 13 337 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Таҳриратта келган кўлаёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳриратта марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.30 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6